

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

Н.Ў.АЛЛАЯРОВ, М.П.АПШАКОВ

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА МАЪМУРИЙ АМАЛИЁТ

Ўқув қўлланма

Тошкент–2014

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

Такризчилар:

юридик фанлар номзоди, доцент **И. А. Соттиев**;

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҚХБ ЙПХБ Штаб бошлиғининг ўринбосари,
подполковник **С.А.Равшанов**;

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҚХБ бошлиғининг биринчи ўринбосари,
ЙПХБ командири полковник **Ж.А.Каримов**

Аллаяров Н.Ў.

А-45 **Транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлашда маъмурий амалиёт: Ўқув қўлланма / Н.Ў.Аллаяров, М.П.Аппаков. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2014. – 50 б .**

Мазкур қўлланмада транспорт хавфсизлигини ташкил этишда маъмурий амалиётнинг ўрни, йўл ҳаракати қоидалари ёки транспортдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун қўлланиладиган маъмурий жазо чоралари ва уларнинг самарадорлиги, йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар идоралари ходимлари маъмурий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузганлигига қўлланиладиган маъмурий чоралар, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш ва уларнинг йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдаги аҳамияти ва бошқа жиҳатлар ёритилган.

ИИБ Академиясининг тингловчи ва курсантлари, профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар ва шу соҳа билан қизиқувчи кенг оммага мўлжалланган.

ББК 39.3308я73

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар ҳаётга изчил жорий этила бошланди. Республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиб бориши, автомобиль саноатининг вужудга келиши, хорижий мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли иқтисодий алоқаларнинг йўлга қўйилиши, фуқароларнинг моддий фаровонлиги ортиб бориши табиий равишда автомобиль йўлларида ва шаҳар кўчаларида ҳаракат миқдорининг ортиб боришига олиб келди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек,¹ «2013 йилда йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари юқори суръатлар билан олиб борилди». Ўзбекистон миллий автомагистрالي таркибига кирадиган автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ишлари изчил давом эттирилди. Масалан, умумий фойдаланишдаги 530 километрлик автомобиль йўли қурилиб, реконструкция қилинди. Тўрт қаторли Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов автомобиль йўлининг 141 километрлик тармоғини цемент-бетон билан қоплаш, тўрт қаторли Тошкент-Ўш автомобиль йўлининг Қамчиқ довони орқали ўтадиган 18 километрлик қисмида асфальт-бетон ётқизиш ишлари амалга оширилди, ана шу йўлнинг Қўқон шаҳрини айланиб ўтадиган 15 километрлик тармоғи, шунингдек, Тошкент айланма йўлининг янги йўналиши барпо этилди ҳамда Бухоро шаҳридаги халқа йўлда йўл ўтказгич қурилиши якунига етказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги 2013 йил 10 апрелдаги қонуни² ва Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрдаги «Автомобиль йўллари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизнинг 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

² Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни // Халқ сўзи. – 2013. – 11 апр.

тўғрисида»ги қонуни, шунингдек ушбу қонунлар асосида тегишли давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бу борада амалга оширилган ишларнинг яққол исботидир.

Ҳар бир мамлакатда транспорт воситалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш долзарб вазифалардан бири саналади. Жамият хавфизлигини таъминлаш энг биринчи галда йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, ва энг асосийси, маъмурий амалиётни тўғри ташкил қилишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «...бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли, кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди»¹. Шу мақсаддан келиб чиқиб, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш, маъмурий амалиётни кучайтириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишини камайтириш учун биринчи галда ҳайдовчилар билан маъмурий профилактик чораларни тўғри ташкил этиш лозим.

Мамлакатимиз олдида ҳозирги ва истиқболдаги асосий масалалардан бири сифатида автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларда ҳалок бўлувчилар ва тан жароҳати олувчилар сонининг камайишига эришиш, шунингдек, кўриладиган умумий ижтимоий-иқтисодий зарарларни камайтириш вазифалари турибди. Статистик маълумотларга кўра, охириги ўн йил ичида республикамизда ҳар йили 10000 дан ортиқ йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлади, уларда ўртача 12000 киши жароҳатланади ва 2000 минг киши ҳалок бўлиши қайд этилган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун кўрилаётган қатор тадбирларга қарамасдан, уларнинг миқдорини камайтиришга

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. – Т., 2010. – 27-бет.

эришиб бўлмаяпти. Бу эса, йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммоларига ўта жиддий ёндашиш зарур эканлигини, турли соҳа вакиллари, қолаверса, кенг жамоатчилик олдига ўз ечимини топиш керак бўлган вазифа сифатида қўйишни талаб этмоқда.

Автотранспортдаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг асосий вазифаларидан бири. Ички ишлар идораларининг ваколатли ходимлари содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қонунда назарда тутилган чораларни қўллашлари натижасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга ҳам таъсир этишлари амалда кузатилади. Йўлларда ҳаракатланиш соҳасидаги тартиббузарликка қарши курашнинг муваффақиятли бўлишини таъминлаш мақсадида бу каби чораларнинг қанчалик самарали бўлишини, уларнинг йўл ҳаракати иштирокчиларига, хусусан, автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг онгига, хулқ-атворида қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини билиш жуда муҳим. Йўлларда ҳаракатланиш соҳасидаги айрим ҳайдовчиларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари хилма-хил намоён бўлишига қарамай, уларнинг асосий қисми интизомсизлик натижасида вужудга келади. Амалдаги қонунчилик йўлларда ҳаракатланиш билан боғлиқ қоидабузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни назарда тутаяди. Шу боис, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, амалдаги қонунчиликка шарҳ бериш, фуқароларга жавобгарлик муқаррарлигини тушунтириш ва бу соҳа билан боғлиқ ҳуқуқий-тарғибот ишларини олиб боришда ушбу рисола катта аҳамиятга эга бўлади.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ МУНОСОБАТЛАРГА ТАЪСИРИ

Ҳукукий демократик давлатни барпо этиш жараёнида унинг кенг кўламда фаолият кўрсатишини таъминлайдиган барча воситаларни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бу воситалар қонун устиворлиги принципларига, фуқаролар ва давлатнинг ўзаро масъулиятига, юксак даражадаги ижтимоий ҳимояга, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларига асосланмоғи керак. Шу боис, бугунги кунда ички ишлар идоралари ходимларининг йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шунингдек, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлигига тажовуз қилувчи жиноятларга қарши курашиш, уларни очиш ва тергов қилиш билан боғлиқ асосий фаолиятини тубдан янгилаш, уни замон талаблари даражасига олиб чиқиш ва такомиллаштиришни давр талаби деб баҳолаб, уни амалга ошириш чораларини кўришимиз зарур.

Республикамиз йўлларида автомобиллар сонининг кўпайиб бориши иқтисодиётимизга, ижтимоий муносабатларга ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга бир қанча салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Йўл-транспорт ҳодисалари, автотранспорт соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар, транспорт воситалари ишлаб чиқараётган газлардан атмосферанинг заҳарланиши, автотранспорт билан боғлиқ жиноятлар, улар тарқатаётган шовқинлар шулар жумласидандир¹. Шунингдек, транспорт воситаларининг ҳам кўпайиб, ҳам такомиллашиб бораётганлиги улар билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг тобора ўсиб бораётганлигига ҳам сабаб бўляпти. Чунончи, дунёнинг кўпгина мамлакатларида йўлларда автомобилдан шикастланганлик оқибатида ҳалок бўлганлар сони юқумли ва паразит касалликлардан ҳалок бўлганлар сонидан ортиб кетган. Европанинг 19 мамлакатада автомобиль жароҳатланишидан вафот этганлар сони барча жароҳатланиш оқибатида ҳалок бўлганларга қараганда 42%ни, АҚШда эса 50%ни ташкил этади.

¹ *Алимов Г.А.* Транспорт воситаси ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т., 2000. – 46-б.; *Холмўминов Ж.Т., Маллаев Н.Р.* Атмосфера ҳавосини ҳукукий муҳофаза қилиш: Ўқув қўлланма. – Т., 2004. – 93-б.

Транспорт воситалари билан боғлиқ қоидабузарликларнинг содир этилиши натижасида давлат, жамият ва шахс манфаатларига моддий зарар етказилиши, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилиши, экологик, мулкӣй ва бошқача зарарлар келиб чиқиши мумкин.

Йўлларда автотранспорт воситаларининг хавф-хатарсиз ҳаракат қилиши ва ҳар қандай ҳайдовчига транспорт воситасини бошқаришда салбий таъсир кўрсатадиган омилларни бартараф этиш ҳозирги кунда долзарб муаммо бўлиб келмоқда.

Шу боис, йўл-транспорти билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни ўрганиб чиқиш, тегишли хулосаларни ишлаб чиқиш ва улар асосида замон талабига мос келадиган ҳуқуқий меъёрларни ҳаётга татбиқ этиш, бу борадаги фаолиятни такомиллаштириш лозимдир. Бунда ҳуқуқий тартибга солиш предмети йўл ҳаракатидан бошлаб бошқа бир қатор автотранспорт соҳасидаги содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг олдини олиш чораларининг умумий ҳолати, яъни ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар бўлиб, улар ҳайдовчи ва йўловчиларни ўқитиш ҳамда касбга тайёрлаш жараёнида ҳам ўз аксини топади.

Айтиш жоизки, кўпгина ҳолларда автотранспорт соҳасидаги ижтимоий муносабатлар мамлакатни автоматизациялаштириш жараёнида юзага келиши мумкин. Улар ўзига хос бўлган муайян мазмун, ҳуқуқий тартибга солишнинг субъектлари орасидаги мавжуд муносабатлар, юзага келиш шароити билан ажралиб туради ва ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Ҳозирги кунда ижтимоий муносабатларнинг мазкур мажмуи йиллар давомида шаклланиб бориб, ўзаро алоқадорлик ва ўзаро мувофиқликка эгадир.

Ҳуқуқий бошқарувнинг алоҳида соҳаси сифатида йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳаси, ҳуқуқнинг мустақил таркибий бўлинмасини ажратиш зарурияти бир турдаги таъсир чоралари ёрдамида у ёки бу даражада бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий кўрсатмаларни, ҳуқуқнинг турли тармоқларини жадаллаштириш асосида мустақил соҳа сифатида ажратишга бўлган шубҳалар асоссиздир. Бу ҳуқуқ тизимининг ягоналиги, ҳуқуқ тармоқларининг ўзаро алоқадорлигидан далолат бериб, ҳуқуқнинг комплекс тармоғини шакллантириш имкониятини рад этмайди.

Янги ижтимоий муносабатларнинг ўрнатилиши ва ривожланиши сабабли юзага келадиган фарқлаш ёки даражалаш жараёни доимий равишда юз бермаслиги мумкин. Мавжуд бўлиб келаётган

ва шаклланаётган ижтимоий муносабатлар сўзсиз ҳуқуқий нормаларнинг интеграциясини юзага келтириши, ҳуқуқнинг янги тармоқларини яратиши мумкин.

Бизга маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини аста-секинлик билан эгалламоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда ҳуқуқий тартиботга янада жиддийроқ эътибор беришни талаб этади, чунки ҳар қандай мамлакатнинг демократик хусусиятларини кўрсатувчи шартлардан бири – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қандай ёндашганлиги ҳамда унинг амалга ошириши учун қандай шарт-шароитлар яратилганлиги билан белгиланади.

Ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш жараёнида унинг кенг кўламда фаолият кўрсатишини таъминлайдиган барча воситаларни яратиш алоҳида аҳамият касб этади. Айнан шундай вазифа бевосита транспорт воситаларидан фойдаланиш ва ҳаракат хавфсизлигига қарши жиноятлар билан кураш ва уларнинг олдини олиш муаммосига ҳам тўла-тўқис тааллуқлидир. Жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ички ишлар идораларининг хизмат мажбурияти сифатида қонун билан мустаҳкамланган.

Албатта, йўлларда транспорт ҳаракати хавфсизлиги ва узвийлигини таъминлаш ички ишлар идоралари таркибига кирувчи йўл-патруль хизмати ходимларининг вазифаларига киради. Бироқ, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлигига оид қоидабузарликларнинг олдини олиш жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш бошқа турли даражадаги ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан ҳам амалга оширилиши лозимдир.

Республикамиз қонунчилиги тизимида бугунги кунга қадар йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга доир, транспорт ва автомобиль йўллари тўғрисида, шунингдек, транспортдаги қоидабузарликлар ва уларни содир этган шахсларга ҳуқуқий таъсир чораларини боғловчи қонунлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этилган. Ушбу қонунлар транспорт воситалари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни, жумладан, йўл ҳаракати қонунларига амал қилишни, йўлларда транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солишга хизмат қилади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида автотранспорт соҳасидаги содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ҳамда йўллардан тўғри фойдаланиш бўйича турли-туман йўриқномалар ва қоидалар тасдиқланмоқда. Уларда йўл ҳаракати

хавфсизлигини таъминлаш муаммолари ва уларнинг ечими борасидаги масалалар бир қанча қўшимча норматив ҳужжатлар, қарорлар ҳамда кўрсатмалар билан ҳал қилиниши мумкин.

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСНИНГ АҲАМИЯТИ

Жиноятчиликка қарши кураш сиёсати давлат ички сиёсатининг алоҳида қисми бўлиб, у демократик ижтимоий тузумни жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш, жиноятларнинг олдини олиш, жиноятчиликнинг ижтимоий жараёнларга салбий таъсирини камайтириш мақсадида ушбу ижтимоий салбий ҳодисага жиноий-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш ғояларини ишлаб чиқиш ва асосий қоидаларини шакллантириш, уларнинг шакл ва услубларини яратиш, жиноятчиликнинг олдини олишга оид қонун нормаларини такомиллаштиришда ифодаланadi. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳаракат хавфсизлиги қоидалари бузилганда ёки бошқача тарзда йўл ҳаракати қоидалари бузилганда айбдорларга нисбатан жазо қўллаб, келажакда содир этилиши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилади. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билан бир қаторда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов ўзининг асарларида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга муносабат билдириб, жумладан шундай деган: «Фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш зарур. 1994 йилда қабул қилинган амалдаги мазкур кодексга ўтган давр мобайнида 60 мартадан кўпроқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Унинг янги таҳрири суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг қўламли тарзда акс эттириши лозим. Бунда авваламбор жиноят қонунчилигини тобора либерал-

лаштириш, яъни айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарур. Кодекснинг янги таҳрирда қабул қилиниши бугунги кунда ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг унификациялашувини, яъни бирхиллашувини таъминлайди»¹. Ушбу сатрлардан кўриниб турибдики, жиноятчиликнинг, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши курашда ҳам Маъмурий, ҳам Жиноят кодекслари катта ўрин тутади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида юзага келадиган муносабатларни бевосита тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 26 тани ташкил этади. Буларга Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси², Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни³, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 294-сонли қарори, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 14 та қарори ҳамда 9 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар киради. Шу билан бирга, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги муносабатлар 50 дан ортиқ қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинган. Мазкур аксарият норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига алоҳида эътибор қаратиш зарурияти юзага келган даврга, яъни 2006-2013 йилларга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва бу борада ягона давлат сиёсатини юритиш, йўл ҳаракати қоидаларини халқаро «Йўл ҳаракати ҳақидаги» Конвенция талабларига мувофиқлаштириш мақсадида ҳамда «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддасига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сонли қарори билан «Йўл ҳаракати қоидалари» тасдиқланган.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – 26-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1995. – №3. – 6-м.

³ Ўша манба. – 1999. – № 9. – 215-м.

Йўл ҳаракати қоидабузарликлари тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2011 йил 31 майдаги 68-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома¹га ва Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2011 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 5 июль куни вазирликнинг 2011 йил 31 майдаги «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 68-сонли буйруғи ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисида»ги 120-сонли буйруғига асосан амалга оширилади.

Келажакда транспорт воситалари билан боғлиқ ҳолда содир этилиши мумкин бўлган қоидабузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда олдин маъмурий жавобгарликка тортилганликни аниқлаш бошқа шунга ўхшаш жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Жиноятчиликнинг олдини олишда маъмурий жазо чораларини кенг қўллаш, шахсларнинг ножўя ҳаракатларини ўз вақтида англаб етишига ҳамда келажакда ушбу ҳаракатларни тўхтатишга олиб келишини инобатга олиш зарур².

Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида йўл-транспорт ҳодисаларига қарши кураш давлат аҳамиятига эга бўлган муаммолардан саналади. Шу сабабли транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларига қарши кураш сиёсати асосида бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги сиёсатнинг стратегия ва тактикаси шакллантирилади, жиноий-ҳуқуқий сиёсатнинг устувор эканлиги, унинг доирасида ҳар бир давлат учун ниҳоятда муҳим бўлган жиноий жавобгарлик асослари ва принципларини белгилаш, жиноий қилмишлар доираси ва жазо турлари ва бошқа жиноий-ҳуқуқий хусусиятдаги чораларни белгилаш билан боғлиқ муаммолари ҳал қилинади³.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигида 2011 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилган.

² Шакуров Р.Р. Жиноят ҳуқуқида рағбатлантирувчи нормаларнинг тузилиши ва қўлланиши: Ўқув қўлланма. – Т., 2007. – 42-б.

³ Абдурасулова Қ. Давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсати ҳақида айрим мулоҳазалар / Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2010. – 43-б.

МАЪМУРИЙ АМАЛИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва шу асосида жамият хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибини ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун эса, биринчи навбатда, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ҳамда ҳуқуқ бузилиши билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш катта ўрин тутди. Бундай қоидабузарликларга йўл қўймасликнинг энг катта шарти ҳуқуқ-тартиботнинг юқори даражада таъминланишидир.

Ҳозирги кунда ҳуқуқбузарликнинг барча турларини олдини олиш мақсадида мавжуд ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг сабаб ва шароитларини тугатишда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий йўналишларда зарур чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўриниб турибдики, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш давлат ва жамият ҳаётидаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Айниқса, ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ ҳолда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришлар таъсирида содир бўлаётган барча ҳуқуқбузарликнинг олдини олишнинг изчил усул ҳамда воситаларини яратиш муҳим вазифа эканлигини эсда тутиш лозим.

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш эса ижтимоий, иқтисодий муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларни бартараф этиш билан узвий боғлиқлигини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Яъни жамиятда шахс билан давлат органлари (мансабдор шахслари) ўртасида юзага келувчи барча қарама-қаршиликларни бартараф этиш, ўз моҳиятига кўра, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги энг муҳим тадбирдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат ёки жамиятда, биринчи галда, ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи барча салбий ҳаракатларга қарши кураш олиб боришга масъул бўлган давлат органларининг фаолият йўналишларини тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар қонун доирасида ҳал этилаётганлигини, ҳуқуқбузарлик юзасидан иш тўғри юритилаётганлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ИИВ

ЙҚХББ раҳбарияти ва Бош бошқарма йўл-патруль хизмати фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва маъмурий амалиёт бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ЙҚХБ раҳбарияти ҳамда мазкур бошқармалар маъмурий амалиёт бўлим (бўлинма, гуруҳ)лари, шаҳар-туман ички ишлар органларининг ҳамда мазкур органлар ЙҚХБ (ЙҚХГ) раҳбарияти томонидан амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, айниқса, таҳлил этиш босқичида мунтазам равишда олиб бориладиган назорат катта аҳамиятга эга. Бундай назорат жараёни тўлиқ ёки алоҳида босқичларни ўз ичига олади. Текширув жараёнида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳужжатларни тўлдиришга, бир ахборот машинасида мавжуд бўлган ахборотни бошқа бир машинага ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ тизимида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ қоидабузарликларга қарши кураш фаолиятини назорат қилувчи тизим яратилган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБлари раҳбарияти томонидан бир йил давомида камида бир марта жойлардаги туман (шаҳар) ички ишлар органлари, ЙҚХ бўлим (бўлинма, гуруҳ)ларининг ҳуқуқий фаолияти юзасидан текширув ўтказилиши ва амалий ёрдам кўрсатилиши ташкиллаштирилади.

Нazorat қилиш давомида қуйидаги масалалар ўрганилади:

- маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни ва уларни қўллаш тартиби ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг меъёрий ҳужжатларини ДЙҚХХ ходимлари қай даражада билишлари;

- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан қабул қилинган қарорлар қонуний ва асосли эканлиги, шу жумладан қўлланилган маъмурий таъсир кўрсатиш чораси қонунда белгиланган жазога мувофиқлиги;

- ҳуқуқбузарликларнинг ҳисоб-китоби ва таҳлили маъмурий амалиётнинг оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқарувчи қўпол ҳуқуқбузарликларни аниқлашга ва уларнинг олдини олишга қаратилганлиги;

- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг рўйхатга олинishi ва ҳаракати қатъий ҳисобдаги бланка (баённома, жарима квитанцияси)ларнинг ҳисобга олинishi ва сақланиши;

- ҳисобот китоблари ва бошқа ҳужжатларнинг Республика ИИВнинг 2011 йил 31 майдаги 68-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» ҳамда ИИВнинг 2011 йил 10 августдаги 120-сонли буйруғи талабларига мувофиқлиги;

- баённомалар ва бошқа маъмурий ҳужжатларнинг қонуний расмийлаштирилиши;

- ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатига риоя этилиши;

- жарима тарзидаги маъмурий жазонинг ижроси;

- маъмурий амалиёт бўлими (бўлинма, гуруҳи) фаолиятини шаҳар-туман ички ишлар органлари ва ИИВ, ИИББ, ИИБ ва ЙҚХБ раҳбарлари томонидан назорат қилиниши, аниқланган камчиликлар ва йўл қўйилган қонунбузарликларга эътибор берилиши, уларнинг келиб чиқиш сабабларининг ўрганилиши ва бартараф этиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлари;

- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишга оид амалдаги қонун ҳужжатлари ва вазирлик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган бошқа масалалар ҳам ўрганилиши мумкин.

Назорат қилиш давомида маъмурий жазо қўллаш тўғрисида ноқонуний қарорлар чиқарилганлиги аниқланса, улар бекор қилинади ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини қайта тиклаш чоралари кўрилади.

Назорат қилиш натижалари юзасидан маълумотнома тайёрланиб, текширувни тайинлаган раҳбариятга ахборот берилади. Раҳбар текширув ҳужжатлари билан танишиб чиққач, аниқланган камчиликларни бартараф этишга, маъмурий амалиёт фаолиятини яхшилашга ва қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни кўради.

Маъмурий жавобгарликка олиб келувчи йўл-транспорт ҳодисаси ҳамда ҳайдовчи томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш содир этилганда қоидабузарликка оид ишларни расмийлаштириш ва маъмурий чораларни қўллаш ваколатлари тақсимланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

кодексининг 125-моддасида, 125¹-модданинг биринчи қисмида, 126-моддада, 127-модданинг биринчи қисмида, 128-модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128¹-модданинг биринчи қисмида, 128²-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128³-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128⁴-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128⁵-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128⁶-моддада, 129-модданинг биринчи қисмида, 130-модданинг биринчи қисмида, 135, 135¹-моддаларда, 136-модданинг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141, 147-моддаларда назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Бош бошқармаси) бошлиғи, унинг ўринбосари, йўл-патруль хизматини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳамда маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, унинг ўринбосари, алоҳида муҳим ишлар бўйича инспектор (маъмурий амалиёт бўйича инспектор), маъмурий амалиёт бўлинмаси (бўлими) бошлиғи, унинг ўринбосари, маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир материалларни кўриб чиқиш бўйича катта инспектор (инспектор), автотранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат бўлими (бўлинмаси) бошлиғи, автотранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат гуруҳининг катта инспектори, автотранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат гуруҳининг маъмурий амалиёт бўйича инспектори, улар йўқлигида эса ички ишлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари тегишли қарор қабул қилиш ваколатига эга.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасида, 125¹-модданинг биринчи қисмида, 126-моддада, 127-модданинг биринчи қисмида, 128-модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128¹-модданинг биринчи қисмида, 128²-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128³-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128⁴-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128⁵-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128⁶-моддада, 129-модданинг биринчи қисмида, 130-модданинг биринчи қисмида, 135-модданинг биринчи қисмида, 135¹-моддада, 138-модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 147-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – йўл-патруль хизмати бригадаси

(батальони, дивизиони, отряди, мобилъ гуруҳи) командири ёки унинг ўринбосари тегишли қарор қабул қилиш ваколатига эга.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 125-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 126-модданинг биринчи қисмида, 127-модданинг биринчи қисмида, 128-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128²-модданинг биринчи қисмида, 128³-модданинг биринчи қисмида, 135-модданинг биринчи қисмида, 135¹-модданинг биринчи қисмида, 138-модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – йўл-патруль хизмати катта инспектори (инспектори) ва йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи бошқа ходимлар тегишли қарор қабул қилиш ва чора кўриш ваколатига эга.

Йўл ҳаракати қоидалари ва транспортдаги хавфсизликни ташкил этишда қўлланиладиган маъмурий чоралари деб асосан ҳуқуқбузарликнинг ҳисоб-китоби ва таҳлили маъмурий амалиётнинг оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқарувчи қўпол ҳуқуқбузарликларни аниқлашга ва уларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларга айтилади.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ДЙҲХХ) ҳудуддаги ҳуқуқни қўллашга доир фаолиятни умумлаштиради ва таҳлил қилади. Таҳлил асосида ҳар йили камида икки марта ҳуқуқбузарликнинг аҳволи ва динамикаси, шунингдек ҳуқуқбузарликларга нисбатан чоралар қўллаш амалиёти тўғрисида маълумотнома тайёрлайди ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқади. Бунда маъмурий амалиёт ходимлари ҳуқуқни қўллаш фаолиятига доир масалалар юзасидан ташкилий-услубий раҳбарликни амалга оширади. ДЙҲХХнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятини тартибга солиб турувчи меъёрий ва бошқа ҳужжатларни ўзлаштириб бориш борасида шахсий таркиб ўртасида ишни ташкиллаштиради.

Ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли органлар, муассасалар ҳамда ташкилотларга тақдимномалар киритади.

Ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларга расмийлаштирилган маъмурий ҳужжатлар жойлардаги ДЙҲХХ ваколатли мансабдор шахслари томонидан қонун доирасида кўриб чиқиладиганлигини ва ҳуқуқбузарлик юзасидан иш юритишнинг тўғри олиб бориладиганлигини доимий равишда назорат қилиб боради.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан ишни юритиш бўйича ЙПХ ходимлари фаолиятини ўрганиб чиқиб, уларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритади.

Қонунлар бузилишининг олдини олиш юзасидан ички ишлар органларининг бошқа хизматлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Йўл ҳаракати қоидалари кўпол равишда бузилишининг олдини олиш бўйича ишларни кучайтириш мақсадида соғлиқни сақлаш, адлия ва суд идоралари билан доимий ҳамкорликда иш олиб боради.

Ҳар ойда туман (шаҳар) ҳудудида содир этилган ҳуқуқбузарликлар таҳлили асосида йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари ўрганиб чиқилиб, ДЙХХХнинг жойлардаги бўлим (бўлинма)лари ва сафдаги бўлинмаларига ишни қандай йўналишда кучайтириш кераклиги юзасидан тегишли таклифлар киритади.

Ҳар ойлик ва чораклик иш якуни бўйича маъмурий амалиёт соҳасига тегишли бўлган маълумотларни жамлаб, ИИВ, ИИББ, ИИБ ва ЙХХБлари орқали Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХХББга тақдим этади. Фуқароларнинг маъмурий амалиёт соҳасига тааллуқли бўлган шикоят ва аризаларини кўриб чиқади. Маъмурий баённомалар ва жарима қвитанциялари ҳисоб-китобининг олиб борилиши ва берилишини, шунингдек рўйхатга олиш китобларининг юритилишини назорат қилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни бир йил давомида такрорий содир этган шахсларнинг ҳуқуқбузарлиги ҳақидаги маълумотлар тўла-тўқис ва тўғри альфавитли варақага ёзилиши ёки компьютерга киритилишини назорат қилади.

Йўл ҳаракати қоидалари ва транспортдаги хавфсизликни ташкил этишда жойлардаги туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлим, бўлинма) ЙХХБ (ЙХХГ)нинг маъмурий амалиёт бўйича ходимлари қуйидаги вазифаларни бажариш билан ўзларининг салмоқли ҳиссаларини кўшадилар:

– ЙПХ ходимлари томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланилаётган чоралар тўғри ва асосли эканлигини мунтазам назорат қилади, бунда ҳайдовчилик гувоҳномасининг асосли равишда олиб қўйилишини, шунингдек маъмурий баённомалар ва бошқа процессуал ҳужжатларнинг тузилиши қонунга мувофиқлигига алоҳида эътибор беради;

– ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳақидаги маълумотларга оид ҳисоботларни олиб боради. Ваколати доирасида кўриб чиқувчи органлар (мансабдор шахслар)га маъмурий ҳужжатларни қонунда кўрсатилган муддатда юборади;

– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг ҳаракатини ташкил қилади, жарима белгилаш тўғрисидаги қарорларнинг ўз вақтида ва тўғри ижро этилиши юзасидан чора-тадбирлар кўради;

– ҳуқуқбузарларга нисбатан таъсир этиш чораларини қўллаш, шунингдек маъмурий ҳужжатларни сифатли тузиш масалалари юзасидан сафдаги бўлинмалар ходимларига амалий-услубий ёрдам кўрсатади;

– ҳуқуқбузар шахсларга нисбатан расмийлаштирилган маъмурий ҳужжатларни ўз ваколати доирасида кўриб чиқиб, қарорлар қабул қилади;

– ҳуқуқбузарлик ҳолатини тасдиқловчи асосли далиллар мавжуд бўлмаса, маъмурий ишлар бўйича қўшимча текширув ўтказди ёки маъмурий баённома расмийлаштирилган жойга қўшимча текширув ўтказишга юборади;

– ҳуқуқбузар шахсларга нисбатан таъсир этиш чораларини қўллаш юзасидан бўлинма фаолиятини ҳар ойда умумлаштиради ва таҳлил этади, таҳлил натижаларига кўра хизмат кўрсатаётган ҳудуддаги йўл-транспорт ҳодисаларини ҳисобга олган ҳолда ҳаракатни назорат қилишни такомиллаштириш ва таъсир этиш чораларини қўллашнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритади;

– тиббий муассасаларда мастлик ҳолатини аннқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойда камида бир марта мазкур ҳудуднинг ўзида аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар китоби билан солиштириб боради;

– ҳаракатланиш иштирокчиларининг интизоми тўғрисида тегишли органларга ахборот, автохўжаликларга ва бошқа ташкилотларга тақдимнома тайёрлашда иштирок этади. Ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида таклифлар киритади;

– шахсий таркибнинг касб малакасини ошириш мақсадида ҳуқуқбузарларга нисбатан таъсир чораларини қўллаш, ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари юзасидан хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулотларида қатнашади, хизматга киришаётган ходимларга йўл-йўриқ беришда иштирок этади;

– маъмурий таъсир чораларини қўллаш чоғида фуқаролардан тушган шикоят ва аризаларни кўриб чиқади, улар юзасидан маълумотнома ва хулосалар тайёрлайди.

ҲАРБИЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ БОШҚАРИШДАГИ ҲОДИСАЛАРДА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Республикада кенг тармоқли транспорт тизими барпо этилган бўлиб, у мамлакат ичкарисида ва ташқарисида юк ҳамда йўловчилар ташишни яқин ва олис хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни таъминлайди, шунингдек, ҳарбий мақсадлардаги давлатнинг функцияларини бажаришда кенг фойдаланилади.

Шу сабабли транспорт воситаларини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) умумий фуқаролик транспорт воситалари;
- 2) ҳарбий транспорт воситалари.

Ушбу турдаги транспорт воситаларини бошқарувчи шахс томонидан бошқа шахсларнинг соғлиғи ва ҳаётига хавф солувчи ва зарар етказилган қоидабузарлик содир этилганда ҳуқуқий баҳолаш ҳам турлича бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 16-моддасига мувофиқ, «ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Мазкур шахслар йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганликлари учун умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар. Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларига жарима солиниши мумкин эмас».

Мазкур моддада ҳарбий хизматчилар ва бошқа айрим тоифадаги шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун жавобгарлик хусусиятлари уларнинг умумий ҳуқуқий мақомини ҳисобга олган ҳолда акс эттирилган.

Бу, аввало, ҳарбий хизматчиларга, Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларида, ИИБ ички қўшинларида ва МХХ

(Миллий хавфсизлик хизмати) кўшинларида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган шахсларга тааллуқлидир (захирадаги шахслар ҳарбий хизматчилар эмас, балки ҳарбий хизматни бажаришга мажбур кишилар ҳисобланади). МХХ тизими органларининг оддий аскарлари ва бошлиқлари таркибидаги шахслар ҳам ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган. Ички ишлар органлари, шу жумладан, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун уларга тенг даражада жавобгар бўладилар.

Ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар (улар мазкур вақтда ўзларининг ҳуқуқий мавқеига кўра маълум даражада ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган бўлади) ҳарбий интизомни ва жамоат тартибини бузганликлари учун кўмондонлар (бошлиқлар) олдида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом низоми бўйича жавобгар бўладилар. Ҳарбий интизомни ва жамоат тартибини бундай бузишларга фақат ҳарбий тартибдаги ҳуқуқбузарлик эмас, шу билан бирга, ҳар қандай умум-мажбурий қоидалар (шу жумладан, қисм жойлашган ҳудуддан бўшатиш вақтда, таътил вақтида ва ҳоказо)ни бузишлар ҳам киради.

Тегишли мансабдор шахслар ҳарбий хизматчиларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилганини аниқлаганда, одатда, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар ва бошқа материалларни айбдорларнинг Қуролли Кучлар Интизом низоми бўйича жавобгарлиги масаласини ҳал қилиш учун бошлиқларга (кўмондонларга) берадилар. Бундай тартиб шуларни ҳисобга олиб жорий этилганки, биринчидан, ҳарбий хизматчилар ҳуқуқ-тартиботга қатъий риоя қилиш намунасини кўрсатишлари, иккинчидан, уларнинг кўмондонлари (бошлиқлари) ўз қўл остидагиларнинг ўзларини қандай тутишлари учун умумий жавобгардирлар. Фақат маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг айрим турларига (йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш, божхона қоидаларини бузганликлари учун) қонун чиқарувчи мустасно тариқасида уларни умумий асосларда жавобгар бўлишини белгилаган.

Демак, ички ишлар идоралари ходимлари ва ҳарбий хизматчилар транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Шу билан бирга, муддатли ҳарбий хизматчилар жарима жазосига тортилмаслиги қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Булардан ташқари, ҳарбий хизматчиларнинг маъмурий қоидабузарликларга оид ишлари фақат ҳарбий органларда кўриб чиқилиши қонунда белгиланган. Жумладан, қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллашга ҳақлидирлар:

– Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 235, 236-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқлари ва туман (шаҳар) муқобил хизмат бўлимлари бошлиқлари;

– Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 125-моддаси, 125¹-модданинг биринчи қисми, 126-модда, 127-модданинг биринчи қисми, 128-модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари, 128¹-модданинг биринчи қисми, 128²-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари, 128³-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари, 128⁴-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари, 128⁵-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари, 128⁶-модда, 129-модданинг биринчи қисми, 130-модданинг биринчи қисмида ва 135, 135¹, 138, 139, 140, 141-моддаларда назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – ҳарбий автомобиль инспекциясининг бошлиғи, катта инспектори маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллашга ҳақлидирлар.

Транспорт воситаларининг ҳайдовчилари – ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар содир этган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомаларни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда белгиланган тартибда ҳарбий автомобиль инспекциясига юборади.

Прокуратура органлари ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва интизомий ноҳўя хатти-ҳаракат учун жавобгарлиги масаласи юқори турувчи прокурор томонидан ҳал этилади¹.

Судья маъмурий қоидабузарлик содир этганда судьяларнинг тегишли малака ҳайъатининг розилиги билан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Агар судьяларнинг тегишли малака ҳайъати розилик бермаса маъмурий жавобгарликка тортилмайди².

1 Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 49-моддаси.

2 Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунининг 70-моддаси.

Шу сабабли прокуратура ходимлари ҳамда судьялар томонидан маъмурий қоидабузарлик содир этилган тақдирда уларга нисбатан расмийлаштирилган маъмурий ҳужжатлар чора кўриш учун прокуратуранинг юқори турувчи органларига, судьяларнинг маъмурий қоидабузарликка оид материаллари судьяларнинг малака ҳайъатига юборилади¹.

Ҳарбий хизматчи бўлмаган шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятини (Жиноят кодекси 266-моддаси) ҳарбий хизмат билан алоқадор транспорт воситаларида йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузиш жиноятидан (Жиноят кодекси 298-моддаси) фарқламоқ лозим.

Жумладан, жиноятларни квалификация қилиш қоидасига мувофиқ ҳарбий хизматчилар томонидан хизмат билан боғлиқ жиноий қилмиш содир этилса, махсус субъект сифатида ҳуқуқий баҳоланади. Ушбу қоидалар ҳарбий транспорт воситалари билан боғлиқ жиноий қилмишни содир этиш ҳолатларига ҳам тааллуқли, аммо квалификация қилишда жиноятнинг махсус субъекти билан бир қаторда предметиға, яъни ҳарбий техникаға алоҳида ҳуқуқий баҳо берилади. Шу сабабли Жиноят кодексининг 298-моддасидаги жиноят предмети бўлиб ҳарбий транспорт воситалари ёки махсус ўзиюар жанговар машиналар ҳисобланади.

Агар ҳарбий хизматчи ҳарбий транспорт воситалари ёки махсус ўзиюар жанговар машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузса, қилмиш ЖКнинг 298-моддаси билан квалификация қилиниши лозим².

Ушбу модда билан квалификация қилиш учун қонун икки ҳолатнинг мавжуд бўлишини талаб қилмоқда. Булар қуйидагилар:

- 1) ҳарбий хизматчи;

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишиға доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2011 йил 31 май 68-сонли буйруғининг 56-банди.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигиға қарши жиноятларға оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги 2000 йил 22 декабрь 32-сонли қарорининг 8-банди.

2) ҳарбий мақсадларда фойдаланадиган махсус транспорт воситалари.

Ҳарбий қисмларда, шунингдек, ҳарбий хизматчиларда хўжалик ишларида фойдаланишига мўлжалланган транспорт воситалари мавжуд. Булар ҳарбий қисмлардаги енгил машиналар, автобуслар, юк ташишга мўлжалланган транспорт воситалари, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг шахсий транспорт воситаларидир. Агар ҳарбий хизматчи ушбу ҳарбийлаштирилмаган транспорт воситасида йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузиши оқибатида йўл-транспорт ҳодисасини содир этса, унинг қилмиши Жиноят кодекси 266-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинади. Ҳуқуқий баҳолашнинг бу қоидаси «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги 32-сонли қарорининг 8-банди қоидаларига ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан 2000 йил 23 апрелда 87-сон билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақида»ги йўриқноманинг 3.23-бандига асосланади.

Ҳарбий хизматчи бўлмаган фуқаро ҳарбийлаштирилган машинада ёки махсус ҳарбий транспорт воситасида йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузиши оқибатида йўл-транспорт ҳодисасини содир этса, унинг қилмиши ҳам умумий асосларда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилиниши лозим бўлади¹.

Бу ҳолатда фуқаронинг ҳарбийлаштирилган транспорт воситаларини бошқаришга рухсати бор ёки йўқлиги ЖКнинг 266-моддаси билан квалификация қилишга таъсир этмайди. Аммо қилмишида ЖКнинг бошқа моддаларидаги жиноят белгилари мавжуд бўлса, қўшимча квалификация қилишга олиб келади. Масалан, ҳарбий транспорт воситалари олиб қочилган бўлса, ЖКнинг 267-моддаси билан қўшимча квалификация қилинади.

Маълумки, шахснинг содир этилаётган жиноятга руҳий муносабати турли интеллектуал ва иродавий ҳолатларда, ушбу ҳолатларнинг хилма-хил кўринишлари ва қўшилишида ифодаланади².

¹ Ўша жойда.

² *Мухторов Н. Л.* Жиноят қонунида айбнинг эҳтиётсизлик шакли муаммолари: юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2009. – 27-б.

Жиноят қонунчилигида интеллектуал ва иродавий жихатлар ва ушбу жихатлар кўшилишининг моҳиятигина акс этади. Айбнинг ақлий элементини шахснинг ўзи содир этаётган қилмишининг ҳақиқийлик хусусиятини, унинг ижтимоий маъноси ва аҳамиятини англаши, шунингдек, ўз қилмишининг қандай оқибатларга олиб келишини била олиш қобилияти ташкил этади. Айбнинг иродавий элементи субъектнинг фаолиятни, хатти-ҳаракатнинг муайян вариантини танлаш орқали бошқаришида намоён бўлади¹.

Таҳлил қилинаётган жиноятларнинг субъектив томони айбнинг турли шакллари билан тавсифланади.

Транспорт воситаси ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар асосан мураккаб шакли айб эканлиги билан характерланади. Шу билан бирга, айбнинг мураккаб шаклида айбдорнинг оқибатга нисбатан руҳий муносабати эҳтиётсизликнинг ҳар иккала турида ҳам (жиноий ўз ўзига ишониш ва жиноий бепарволик) ўз аксини топиши мумкин. Қонуний деб янглишган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод қилинади².

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 298-моддасидаги жиноятни квалификация қилиш жараёнида транспорт воситаларини бошқараётган шахс ҳарбий хизматчи эканлигини ва транспорт воситалари ҳарбий мақсадларда фойдаланиш учун ишлаб чиқарилганлигини инобатга олиш зарур. Ушбу ҳолатлардан камида биттаси аниқланмаган ҳолатда қилмиш умумий асосларда Жиноят кодексининг 266-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилинади. Мазкур жиноятларни квалификация қилишга жиноят содир этиш мотивлари ва мақсадлари жавобгарликка таъсир этмайди, шунинг учун у турлича бўлиши мумкин³.

¹ *Ильхамов А. Н.* Борьба органов внутренних дел с неосторожными преступлениями. – Т., 1990. – С.52; *Тахиров Ф.* Содержание умысла при причинении тяжких телесных повреждений / Проблемы совершенствования мер борьбы с преступностью. – Т., 1986. – С.25.

² *Алимов Г. А.* Транспорт воситаси ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т., 2000. – 46-б.

³ *Закирова О. Г.* Рашк мотиви билан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муаммолари. – Т., 2004. – 301-б; *Кадыров М. М.* Уголовное право. Особенная часть / Под ред. У.Таджиханова. – Т., 1997. – С. 227.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАР ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ БОШҚАРИШДАГИ ҲОДИСАЛАРДА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2009 йил 15 апрелдаги 53-сонли буйруғига асосан «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларида ҳаракатланиш тартиби ва уларни назорат этишни ташкиллаштириш бўйича Йўриқнома» тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган чет эл фуқаролари маъмурий қоидабузарлик содир этган тақдирда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 17-моддасига мувофиқ умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг Ўзбекистон Республикаси қатнашчи бўлган халқаро шартномалар ва битимларга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасига автосайёҳ сифатида келган ёки халқаро юк (йўловчи)ларни ташиётган ҳайдовчи томонидан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганда, ҳуқуқбузарга расмийлаштирилган маъмурий баённома ва унинг ҳайдовчилик ҳужжатлари бир сутка ичида буюртма хат орқали ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳудуддаги судга маъмурий чора кўриш учун тақдим этилади¹.

Бунда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар олинганлиги тўғрисида автосайёҳнинг эслатмасига, халқаро юклар (йўловчилар)ни ташиётган ҳайдовчининг бу сафарга асос бўлган рухсатномасининг «қўшимча маълумотлар» деб номланган жойига ёзиб қўйилади.

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш муддати тугагач, қайтариб олинмаган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар кузатув хати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2011 йил 31 май 68-сонли буйруғининг 82-банди.

Хатда ҳайдовчининг фуқаролиги, транспорт воситасининг рўйхат рақами, юки ташилаётган ташкилотнинг номи, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларнинг олиб қўйиш вақти ва сабаби кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли ва 25 декабрдаги 457-сонли қарорларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транспорт воситаларида юришлари, транзит ўтиб кетишларини тартибга солиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилишлари устидан назорат кучайтирилди ва махсус йўриқнома ишлаб чиқарилган.

Йўриқномада қуйидагилар келтирилган: «UN» «СМД», «D», «Т» ва «X» индексли транспорт воситаси ҳайдовчиси йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузган тақдирда ЙПХ ходими уни тўхтатиб, агар у иммунитетга эга бўлса, унга нисбатан баённома тузгандан сўнг ҳайдовчилик ҳужжатларини қайтариб беради. Ҳайдовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлса, унга нисбатан ҳужжатлар умумий тарзда расмийлаштирилади.

Маст ҳолатда бўлган барча хорижий фуқаролар транспорт воситасини бошқаришдан четлаштирилади. Агар ҳайдовчи ҳеч қандай иммунитетга эга бўлмаса, унга нисбатан чора умумий тарзда қўлланилади. Агар ҳайдовчи иммунитетга эга бўлса, унинг розилиги билан тиббиёт кўригидан ўтиш таклиф қилинади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилгани ҳақида баённома тузилиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси қайтариб берилади. Ҳайдовчи тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортган тақдирда баённома икки гувоҳ иштирокида тузилади. Бу ҳақда ЙҚХБ ёки ИИБ навбатчисига ахборот берилади. У эса, ўз навбатида, МХХ идораларини хабардор этиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали хорижий ваколатхона вакилини баённома билан таништириш ва транспорт воситасини олиб кетиш учун чақиртиради. Вакилни чақиритишнинг иложиси бўлмаса, ҳайдовчига транспорт воситасини қолдириб, яшаш жойигача бошқа транспортда кетишини таклиф қилади. Агар транспорт воситаси ҳаракатга халақит берса, уни яқин жойдаги тўловли сақлаш жойига олиб бориб қўйиш чорасини кўради.

Дипломатик мақомга эга бўлган хорижий фуқаролар бошқарувидаги транспорт воситаларида (агар уларга тиббий ёрдам кўрсатиш лозим бўлмаса) йўл-транспорт ҳодисаси содир этилса,

ЙПХ ходими ҳайдовчига ҳодиса юзасидан хужжатларни расмийлаштиришда қатнашишни тавсия этади. Агар ҳайдовчи ёки унинг ёнида ўтирган йўловчилардан бирор киши хужжатларни расмийлаштиришда иштирок этишни хоҳламаса, улар ҳақидаги зарур маълумотларни келиб, олиб кетишга рухсат этади ва бу ҳақда навбатчини хабардор этади, у эса, ўз навбатида, ТИВ ва МХХга хабар қилади (ҳодисани расмийлаштириш жараёнида Ташқи ишлар вазирлигининг ходими иштирок этиши шарт).

Воқеа жойини кўздан кечириш баённомасида ҳайдовчининг қатнашмаслик сабаби кўрсатилиб, уни тузган ходим ва гувоҳларнинг имзоси билан тасдиқланади.

«М» ва «Н» индексли транспорт воситалари ҳайдовчилари йўлларда ҳаракатланиш қоидасини бузган ҳолларда уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик умумий тарзда қўлланилади.

«Дипломатик алоқалар тўғрисида»ги (1961 йил 18 апрель) Вена Конвенциясининг 41-моддаси 1-бандига, «Консуллик алоқалари тўғрисида»ги (1963 йил 24 апрель) Вена Конвенциясининг 55-моддаси 1-бандига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 17-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек уларга тенглаштирилган ташкилотлар ходимларига (ва уларнинг оила аъзоларига) (кейинги ўринларда дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар деб юритилади) нисбатан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш тартибини белгилайди¹. Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг, шунингдек уларга тенглаштирилган ташкилотларнинг (кейинги ўринларда – дипломатик ваколатхоналар деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахслар бўлган маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар ҳисобланмайди.

Қуйидагилар дахлсизликдан фойдаланувчи шахс бошқараётган транспорт воситаларини тўхтатиш учун асос ҳисобланади:

¹ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Олий судининг 2012 йил 13 февралдаги 7, 5 ва 22-сонли қарорлари.

– ҳайдовчилар ёки йўловчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши;

– транспорт воситасининг ҳаракатланиш хусусияти ҳайдовчининг бошқариш қобилиятига шубҳа туғдирса (йўналишнинг ва/ёки тезликнинг кескин ўзгариши);

– транспорт воситасининг техник носозлигидан далолат берувчи белгиларнинг мавжудлиги;

– транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари кўринишини яширувчи бирор-бир воситалардан фойдаланиш мавжудлиги (уларнинг белгиланмаган жойга мустаҳкамланиши ёки бошқача предметлар билан ёпилиши);

– транспорт воситаси, ҳайдовчи ёки йўловчиларнинг ЙТХни, жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этишга алоқадорлиги тўғрисида далолат берувчи маълумотларнинг мавжудлиги;

– ваколатли давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатни чеклаш ёки тақиқлаш тўғрисидаги қарорларини бажариш;

– давлат стандарти нормаларига мувофиқ бўлмаган кўзгусимон ёки туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали транспорт воситаларидан фойдаланиш (дипломатик ваколатхона бошлиғининг транспорт воситаси бундан мустасно).

Ушбу асослар мавжуд бўлмаганда транспорт воситаларини тўхтатиш ман этилади.

ЙПХ ходимлари қуйидаги ҳолларда ҳайдовчига транспорт воситаси кабинаси (салони)дан чиқишни таклиф қилишлари мумкин:

– транспорт воситасининг техник носозлигини ёки юк ташиш қоидалари бузилишларини бартараф этиш учун;

– ҳайдовчининг алкоғолли ичимлик, гиёҳванд модда таъсиридан ва ўзгача тарзда мастлик ҳолатида деб ҳисоблаш учун етарли асослар бўлганда;

– ҳайдовчилар ёки йўловчилар маъмурий ҳуқуқбузарлик ва/ёки жиноятлар содир этишда гумон қилинганда.

ЙПХ ходимларининг дахлсизликдан фойдаланувчи шахсларга нисбатан муносабатлари қонунийликка қатъий риоя этиш, ўз вазифаларини аниқ бажариш, шунингдек ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришдаги принципаллик, ушбу шахсларга эътибор, хайрихоҳлилик ва ҳурмат кўрсатиш билан асосланиши лозим.

ЙПХ ходими дахлсизликдан фойдаланувчи шахсларга мурожаат қилишда қўлни бош кийимга қўйиб ўзини таништириши, ўз лавозими, махсус унвони ва фамилиясини айтиши, транспорт воситасини тўхтатиш сабабини маълум қилиши лозим.

ЙПХ ходимлари дахлсизликдан фойдаланувчи шахслар билан сўзлашишда хотиржам ва вазмин бўлишлари лозим, уларнинг тортишувга киришиши, ўзини йўқотиши, қўполликка қўполлик билан жавоб қайтариши мумкин эмас.

Низоли вазиятлар, эътирозлар пайдо бўлганда ёки дахлсизликдан фойдаланувчи шахснинг талабига кўра ЙПХ ходими кўкрак нишонининг тартиб рақамини айтади ва хизмат гувоҳномасини қўлидан чиқармай кўрсатади. Бу ҳақда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомага ёзиб қўйилади ва қўшимча материаллар баённомага қўшиб қўйилади.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА ИШ ЮРИТИШ ИСТИСНО ҚИЛИНАДИГАН ҲОЛАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 271-моддасига мувофиқ, қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим:

1) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ва таркибининг бўлмаслиги маъмурий қилмиш фактини тасдиқловчи маълумотларнинг йўқ эканлигини ёки ҳодиса бўлгану, аммо унинг таҳлили маъмурий қоидабузарлик таркибини юзага келтирувчи аломатлари мавжуд эмаслигини билдиради. Масалан, транспорт воситасини бошқараётган шахс хавфсизлик камарини тақмаганлик ҳолатида ҳайдовчининг юрак хасталиги билан касалланганлиги ва уни камарни тақишдан озод этувчи тиббиёт комиссиясининг хулосаси мавжудлигида ёки айрим тоифадаги транспорт воситаларига Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҚХББ томонидан Давлат стандарти нормаларига мувофиқ бўлмаган кўзгусимон ёки туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналардан фойдаланишга рухсатнома берилган бўлса ва бошқалар;

2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаган бўлса. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 13-моддасига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка

тортиладилар. Ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда 16 ёшга тўлмаган шахсларнинг иши тўхтатилиши керак. Кейинчалик шахс 16 ёшга тўлганлиги ҳам уни маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлмайди. Чунки шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этган вақтдаги ёши инобатга олинади. Шахс 16 ёшга тўлган, туғилган кунидан кейинги кундан бошлаб маъмурий жавобгарлик ёшига тўлган ҳисобланади;

3) *ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли норасо бўлса.* Ақли норасолик деганда шахснинг ғайриҳуқуқий ҳаракатни ёки ҳаракатсизликни содир этиш вақтидаги шундай руҳий ҳолати тушуниладики, у мазкур шахсга айб юклаш имкониятини йўққа чиқаради. Бунда руҳий фаолиятнинг бузилиши билан боғлиқ ҳолат назарда тутилади. Гап сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолиятнинг вақтинча бузилганлиги, ақли заифлик ёхуд бошқа касаллик ҳолати ҳақида боради. Бу ақли норасоликнинг тиббий мезонидир. Келтириб ўтилган касалликларнинг мавжудлиги ҳақида руҳий шифокор хулоса беради. Шунинг учун, башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсда руҳий касаллик мавжудлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлса, руҳий экспертиза тайинланиши лозим.

Руҳий фаолиятнинг сурункали бузилганлиги деганда даволаб бўлмайдиган ёки қийин даволанадиган руҳий касалликлар назарда тутилади. Масалан, шизофрения, эпилепсия ва шу каби касалликлар узок вақт мобайнида даволанади.

Руҳий фаолиятнинг вақтинча бузилганлиги нисбатан тез ўтиб кетадиган ва тузалиш билан тугалланадиган руҳий касалликдир. Бундай вақтинча бузилишларга оғир руҳий ларзалар натижасида келиб чиқадиган реактив ҳолатлар, патологик мастлик ва бошқалар киради.

Ақли заифлик, бу сўзнинг мазмунидан кўриниб турибдики, руҳиятнинг муҳим камчиликларидан бўлиб, ўз хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва уларни содир этишнинг эҳтимол тутилган оқибатларига баҳо беришга тўсқинлик қилишидир. Руҳиятнинг бундай камчилиги инсон туғилган пайтдан бўлиши ёки илк болаликда пайдо бўлиши ёхуд авж олиб борувчи қандайдир руҳий касалликнинг натижаси бўлиши мумкин. Ақли заифлик идиотия – ақлий жиҳатдан ривожланмаганликнинг энг чуқур даражаси, имбециаллик – ақли заифликнинг ўртача даражаси ва дебиллик – ақлий заифликнинг энгил даражаси шаклида ифодаланиши мумкин.

Бошқача касаллик ҳолати – рухий бузилишнинг оғир шакли билан боғлиқ бўлган турли касалликлар, психопатиянинг айрим шакллари, юқумли касалликлар билан боғлиқ бўлган рухий хасталиклардир;

4) шахс ҳаракатни зарурий мудофаа ҳолатида ёки охирги зарурат ҳолатида қилган бўлса. Маъмурий ҳуқуқ фуқароларга қонун доирасида ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, керак бўлган ҳолатларда эса тажовузчига зарар етказиб ҳимояланиш ҳуқуқини беради. Зарар етказиб ҳимояланиш ҳуқуқларини фуқароларга бериш Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳолда амалга оширилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида «ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга», деб белгилаб қўйилган.

Давлат фуқароларнинг тажовузчига зарар етказиб ҳимояланиш ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан кафолатлайди ва бу ҳуқуқ зарурий мудофаа институти сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиловчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, лекин зарурий мудофаа ҳолатида, яъни шахсни ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини ғайриҳуқуқий тажовузлардан шундай тажовуз қилаётган шахсга зарар етказиш йўли билан ҳимоя қилиш вақтида, башарти бунда зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлса, содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди» (МЖТКнинг 18-моддаси).

Охирги зарурат деганда шахсга ёки бошқа фуқароларга ёхуд уларнинг ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказиш тушунилади. Қилмишни охирги зарурат деб ҳуқуқий баҳолаш учун шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтаришнинг иложи бўлмаслиги ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлиши талаб қилинади.

Охирги зарурат ҳолати қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга камроқ зарар етказиб, иккинчи бир кўпроқ аҳамиятга эга манфаатни зарардан сақлаб қолишда ифодаланади ва шу

сабабли ижтимоий фойдали ҳаракат деб баҳоланади. Чунки шахс камроқ зарар етказиш йўли билан кўпроқ миқдордаги аниқ зарар келиб чиқишининг олдини олади.

Муҳим шахсий ва ижтимоий манфаатларни таъминлашга интилиб охирги зарурат ҳолатида ҳаракат қилувчи шахс ижтимоий фойдали мақсадни кўзда тутди ёки ушбу ҳолатда фақат зарар етказиш йўли билан келиб чиқиши аниқ бўлган оғир оқибатнинг олдини олади.

Охирги зарурат ҳолатида шахс қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида қонун билан қўриқладиган бошқа ижтимоий муносабатларга қасдан зиён етказди. Шунининг оқибатида, маъмурий ҳуқуқ хавфи ва хавфининг олдини олишга нисбатан шартларни МЖТК нормаларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда шу шартларга риоя қилган ҳолда етказилган зарар охирги зарурат ҳолатида етказилган деб топилади ва зарар етказган шахс маъмурий жавобгарликка тортилмайди. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ёки бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, ҳуқуқларга ҳамда қонун билан ҳимоя этиладиган манфаатларга зарар етказган, охирги зарурат ҳолатида, яъни шахсга ёки мазкур шахснинг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид этаётган хавфни, башарти бу хавфни ўша ҳолатда бошқача чоралар билан бартараф этиб бўлмаса ҳамда етказилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, бартараф этиш учун содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди» (МЖТК 19-моддаси);

5) амнистия акти чиқиши, агар у маъмурий жазо чорасини қўлланишни бекор қилса. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-модда 1-қисмининг 23-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 80-модда 10-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2006 йил 22 декабрь 16-сонли қарорининг 1-бандида

таъкидланганидек, «амнистия акти маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жинойт содир этган муайян тоифа шахсларга нисбатан давлат томонидан кўрсатиладиган инсонпарварлик ифодаси бўлиб, бундан кўзланган мақсад мазкур шахсларга нисбатан маъмурий ёки жинойт-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлламаган ҳолда уларнинг ахлоқан тузалиши учун имконият бериш ёхуд бундай чоралар қўлланилган шахслар ҳолатини енгиллаштиришдир»;

6) маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса. Маъмурий жавобгарликни белгилаган ҳужжат бекор қилинган тақдирда ҳам иш юритиш исталган босқичда тўхтатилиши лозим. Агар янгидан қабул қилинган ҳужжат жавобгарликни енгиллаштиради, иш юритиш оддий тартибда давом эттирилади, аммо жазо кейинги ҳужжатга мувофиқ белгиланади;

7) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдан бошлаб икки ой ичида тегишли баённома тузилиб, жазо қўллаш тўғрисида қарор чиқарилиши лозим. Агар ушбу муддат ўтиб кетган бўлса, жазо чорасининг қўллаш тўғрисидаги қарор чиқарилмайди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 330-моддасига мувофиқ, «Башарти маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб уч ой давомида ижро этишга қаратилмаган бўлса, у ҳолда бундай қарор ижро этилмайди».

Бироқ хусусияти жиҳатидан ҳар хил бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун мазкур муддатни ҳисоблаш нуқтаси турличадир. Кўпчилик ножўя хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни чиқариш муддатининг бошланиши ҳуқуқбузарлик содир этилган кун ҳисобланади. Башарти ҳуқуқбузарликни содир этиш давом этаётган бўлса, унинг ўтиш муддати бошқача ҳисобланади. Муайян муддат давомида узлуксиз равишда амалга ошириб келинаётган ҳуқуқбузарлик давом этаётган ҳуқуқбузарлик деб эътироф қилинади. Давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарликка ўқотар қуролни сақлаш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш, рўйхатдан ўтмасдан яшаш ва шу қабилар мисол бўлиши мумкин. Бу ҳуқуқбузарликлар муайян хатти-ҳаракатни узлуксиз амалга ошириш билан ажралиб туради. Давом этаётган ҳуқуқбузарликлар бўйича икки ойлик муддат дастлабки ҳуқуқбузарлик бошлан-

ган пайтдан эмас, балки бу ҳуқуқбузарлик фактининг ўзини аниқлаш пайтидан бошланади.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки бу иш тўхтатилган бўлсаю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чорасини қўллаш мазкур ишни қўзғатишни рад этиш ёхуд уни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинган кундан бошлаб, бир ойдан кечиктирмай амалга оширилиши мумкин;

8) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида ваколатли орган (мансабдор шахс) қарор чиқарган бўлса ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тугатиш тўғрисида чиқарилган қарор бекор қилинмаган бўлса, шунингдек мазкур факт юзасидан жиноят тўғрисидаги иш қўзғатилган бўлса. Маъмурий жавобгарликка жалб этилган шахсга нисбатан ваколатли органларнинг маъмурий жазо қўллаш ҳақидаги қарори ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни тўхтатиш ҳақида бекор қилинмаган қарор бўйича факт юзасидан иш юритиш мумкин эмас, бошланган иш эса тўхтатилади.

Ушбу факт бўйича жиноий иш мавжуд бўлган тақдирда ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг бошланиши мумкин эмас, бошлангани эса тўхтатилиши лозим.

Жиноий иш тўхтатилган, аммо кўриб чиқиш жараёнида маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида гувоҳлик берувчи фактлар аниқланган тақдирда, терговчи, суд тегишли ташкилотларни бундан огоҳ этади. Бу маъмурий иш қўзғатиш учун асос ҳисобланади;

9) шахс иши юритила бошланган пайтда вафот этган бўлса. Иш юритилган шахснинг унга нисбатан вафот этиши бу ишни тўхтатишга олиб келади, чунки маъмурий жавобгар шахс бўлмайди (масалан, йўл-транспорт ҳодисасини содир этган шахс ўзи тан жароҳати олиб вафот этиши ва бошқалар).

Ушбу кўрсатилган ҳолатлардан камида биттаси мавжуд бўлса ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишга йўл қўйилмайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддасида зикр этилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда ишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тўхтатилиши лозим. Бу асослар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарор юзасидан шикоят ва эътирозларни кўриб чиқишда ҳам қўлланилади.

Қонун билан белгиланган ҳолатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бошқа асослар бўйича ҳам тўхтатилиши мумкин. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддасига мувофиқ, содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда суд ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин. Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи бошқа орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги ҳақида хулосага келса, ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун ушбу Кодекснинг 308¹-моддасида белгиланган тартибда иш судга юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришни тугатиш билан қарорни бекор қилиш оқибатлари Кодекснинг 324-моддасида назарда тутилган. Жумладан, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришни тугатиш билан қарорни бекор қилиш ундириб олинган пул суммаларини, ҳақи тўлаб олиб қўйилган ва мусодара қилинган нарсаларни қайтариб беришга, шунингдек илгари қабул қилинган қарор билан боғлиқ бошқа чеклашларни бекор қилишга сабаб бўлади. Нарсани қайтариб бериш мумкин бўлмаган ҳолларда унинг қиймати, башарти бу нарсалар тадбиркорлик учун мўлжалланган бўлса, бой берилган фойдаси ҳам қопланади.

Фуқарони маъмурий қамоққа олиш ғайриқонуний равишда қўлланилганлиги натижасида етказилган зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Жамият тараққиётининг бугунги босқичида фуқаролар ишлаб чиқарилаётган ҳар бир товар-маҳсулотларнинг, шу маҳсулот турига қўйилган стандарт талабларига жавоб беришига ишонч ҳосил қилиб, сўнг харид қилиш йўлини тутмоқдалар. Бу табиий ҳол. Чунки ҳар бир фуқаро бирор нарсани харид қилишдан олдин ўзини ва атрофидагиларнинг хавфсизлигини ўйлайди. Транспорт воситаларини харид қилишда ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин. Бозордан ёки автомобиль салонидан транспорт воситасини харид қилган шахс биринчи галда автомобилларга техник хизмат

кўрсатиш шохобчасига бориб, харид қилган автомобилни текширувдан ўтказди, унинг техник жиҳатдан соз эканлигига ишонч ҳосил қилиб, кейин фойдаланади.

Республикада йилдан-йилга транспорт воситаларини харид қилиб ва ундан фойдаланиш суръати ўсиб бормоқда. Бу, бир томондан, фуқароларнинг енгилани осон қилиб, уларга кўмаклашаётган бўлса, иккинчи томондан, вақт ўтиши билан, ишлаш чиқарувчи заводда белгиланган фойдаланиш муддати тугаган автомобилларни ҳали ҳам кўчаларимизда учратишимиз мумкинлигига сабаб бўлмоқда. Нима учун автомобилларга фойдаланиш муддати белгиланади? Чунки ўтгач автомобилнинг шу муддати ҳам ҳайдовчига, ҳам атрофдагиларга хавф туғдириши эҳтимоли юқори бўлади.

Кўчаларимизда фойдаланиш муддати ўтган транспорт воситаларидан фойдаланаётган шахслар, афсуски, ҳанузгача топилади. Уларнинг ушбу транспорт воситаларидан фойдаланишларини тақиқловчи қонун нормалари мавжуд эмас. Шу боис, фойдаланиш муддати ўтган транспорт воситаларидан фойдаланаётган шахслар қонунни бузган ҳисобланмайдилар. Уларга қўйиладиган ягона талаб – автомобилларини техник жиҳатдан созлаб, ҳар йили ЙХХБнинг махсус техник кўригидан ўтказиш. Фойдаланиш муддати ўтиб кетган транспорт воситалари техник жиҳатдан соз бўлса, ундан фойдаланишга рухсат берилади. Аммо жамият ривожланиши билан транспорт воситаларига қўйиладиган талаблар ҳам ривожланиб боради. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳозирги ривожланиш босқичида стандарт талабларда кўрсатилган ва фойдаланиш муддати ўтган транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқловчи қонун нормасини амалга киритиш фурсати етди.

Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги 1998 йил 29 августдаги қонунининг 12-моддасида¹ ҳамда «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасида² автотранспорт воситаларининг хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, экология талабларига жавоб бериши, шунингдек стандартлар ва техник шартларга, тиббий-санитария ва ёнғинга қарши нормаларга мувофиқлик сертификатга эга бўлиши лозимлиги белгиланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. – №9. – 174-м.

² Ўша манба. – 1997. – № 4-5. – 124-м.

Агар биз ушбу қонунларнинг талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, фойдаланиш муддати ўтиб кетган транспорт воситалари уларга қўйилган стандарт талабларга жавоб бермайди. Чунки ҳар бир автомобилни ишлаб чиқарувчи ўз автомобилнинг фойдаланиш муддатини стандарт талабдан келиб чиқиб белгилайди. Кўчаларимиздаги фойдаланиш муддати ўтиб кетган транспорт воситалари бошқа фойдаланиш муддати ўтмаган автомобиллар билан таққосланганда уларнинг атрофдагилар учун хавф туғдириши даражаси анча юқори эканлигига гувоҳ бўламиз. Криминология тилида айтганда, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятига олиб келувчи сабаблардан бири бу фойдаланиш муддати ўтиб кетган автомобиллардан фойдаланишдир. Мисолларга мурожаат этсак, Наманган туманида яшовчи 1979 йилда туғилган фуқаро А.А. 2008 йил 12 май куни ўзига тегишли бўлган М-412 русумли (1978 йилда ишлаб чиқарилган) автомобилида йўл-транспорт ҳодисаси содир этган. Бунинг натижасида жабрланувчи 1979 йилда туғилган Абдирахмонов А. воқеа жойида вафот этган¹. Ушбу фуқарога қўйилган айблардан бири тезлик 70 км/соат қилиб белгиланган йўлда тезликни 73 км/соатга чиқарганлиги ва ҳайдовчилик гувоҳномасининг ЙПХ ходимлари томонидан олиб қўйилганлигига қарамасдан тегишли ҳужжатларсиз транспорт воситасини бошқаришидир. Агар вазиятни объектив таҳлил қиладиган бўлсак, йўл-транспорт ҳодисаси содир этилишига асосий сабаб автомобилнинг техник ҳолати ва уни бошқаришдаги муаммолар сабаб бўлганлигини билишимиз мумкин. Чунки фақат шахснинг ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқлиги (ЙПХ ходимлари томонидан олиб қўйилганлиги)нинг ўзигина бевосита йўл-транспорт ҳодисасига олиб келмайди. Иккинчидан, тезликни ошириш атиги 3 км/соатни ташкил қилган. Бу рухсат этилган тезликдан жуда кам миқдордаги тафовут бўлиб, одам ўлимига олиб келадиган йўл-транспорт ҳодисасининг содир этилишига бевосита олиб келмайди. Мазкур жиноят иши билан батафсил танишиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, жавобгарнинг йўл-транспорт ҳодисасини содир этишида автомобилнинг эскилиги ва транспортни бошқаришдаги камчилик (тўсатдан пайдо бўлган вазиятга тезкор чора кўришнинг қийинлиги) сабаб бўлган.

¹ Наманган вилояти суд архивидан 2008/0545-сонли жиноят иши.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги 32-сонли «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 7-бандида «Тергов органлари шахсни ЖКнинг 266-моддаси билан ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда, айблов хулосасида, суд эса ҳукмда, айнан «Йўлларда ҳаракатланиш Қоидалари»нинг қайси бандлари бузилганлигини кўрсатиш билан чегараланмасдан, балки бундай қоида бузишлар нималардан (техник жиҳатдан носоз транспорт воситаларини бошқариш, мастлик ҳолатда транспорт воситасини бошқариш, тезликни оширишдан) иборат эканлигини кўрсатишлари зарур», деб кўрсатиб ўтилган. Шунга қармасдан, йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ Жиноят кодекси 266-моддаси билан кўзғатилган жиноят ишлари материаллари ёки суд ҳукмларида фойдаланиш муддати ўтиб кетган автомобилни сабаб сифатида кўрсатилганини учратмадик¹.

Шу ўринда «техник жиҳатдан носоз транспорт воситалари» тушунчасига аниқлик киритадиган бўлсак, транспорт воситаларидан фойдаланиш атрофдагилар учун хавфли деб топилса, у техник жиҳатдан носоз ҳисобланади². Транспорт воситаларининг носозлиги эса техник кўрик хулосасига кўра аниқланади. Техник кўрик эса Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ амалга оширилади. Ушбу низомнинг 5-бандига мувофиқ, тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган транспорт воситалари – бир йилда икки марта; ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган транспорт воситалари – икки йилда бир марта, ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари – бир йилда бир марта техник кўриқдан ўтишлари

¹ Диметов Р.И., Воитов Б.Б. Транспорт жиноятларига оид ишларни кўришда ярашиш институтининг аҳамияти / Ҳуқуқ фанини ривожлантириш ва юқори малакали юристлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари. – Т., 2004. – 96-98-б.

² Пикуров Н. Отграничение состава дорожно-транспортного преступления от смежных составов преступлений / Уголовное право. – М., 2009. – №5. – С. 61-66.

лозим¹. Ушбу низом талабларини бажариб, транспорт воситасини техник кўриқдан ўтказган ҳайдовчиларнинг ўзлари ҳам уни кейинги техник кўриқкача соз юриши мумкин эмаслигини таъкидлашган. Жумладан, анкета сўрови ўтказиб «транспорт воситалари техник кўриқдан ўтказилганидан сўнг кейинги техник кўриқ муддатигача соз юриши мумкинми?» деган саволга 72% сўралган ҳайдовчилар «йўқ» деб жавоб беришган. «Ҳа» деб жавоб берганлардан 24% агар транспорт воситаси янги бўлса соз юриши мумкинлигини таъкидлашган. Фақат 4% сўралган ҳайдовчилар транспорт воситалари техник кўриқдан ўтказилганидан сўнг кейинги техник кўриқ муддатигача соз юриши мумкин деб ҳисоблашган.

Агар биз йўл-транспорт ҳодисасига олиб келувчи сабабларни чуқур таҳлил қилсак, стандарт талаблардан келиб чиқиб, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белгиланган ва фойдаланиш муддати ўтиб кетган транспорт воситалари жиноят содир этишга олиб келувчи сабаб бўлиши аниқ. Чунки, биринчидан, фойдаланиш муддати ўтган транспорт воситалари техник кўриқдан ўтганидан сўнг кейинги техник кўриқ муддатигача техник жиҳатдан соз юриши (объектив ҳолатлардан келиб чиқиб) мумкин эмас. Транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш муддати келмай туриб ундаги айрим деталларнинг синиши, эҳтиёт қисмларнинг ишдан чиқиши ва бошқа носозликлар юзага келиши аниқ.

Иккинчидан, ишлаб чиқарувчи завод фойдаланиш муддати ўтганидан сўнг транспорт воситаларининг хавфсизлигига кафолат бермайди, улардан фойдаланиш эса атрофдагилар учун хавфли бўлиб қолади².

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилганда, суриштирувчилар томонидан биринчи галда транспорт воситаларининг фойдаланиш муддати ўтиб кетганлигини текшириш вазифаси юклатилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Олий суди-

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 5-банди / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –2003. – №1-2. –17-м.

² *Перфилов В.П.* Теоретические и практические вопросы уголовно-правовой квалификации нарушений правил дорожного движения и эксплуатации транспортных средств: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2008.

нинг «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги 2000 йил 22 декабрдаги 32-сонли Пленуми қарорида¹ транспорт воситаларининг фойдаланиш муддатлари ўтиб кетганлиги ҳақида тушунчалар берилмаган.

Ўрганилган транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишга оид жиноят ишларида носоз транспорт воситаларидан фойдаланиб («Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 3.6-бандининг 3 ва 4-хатбоши) йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган деган хулоса деярли учрамайди.

Автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналарни автомобилдан фойдаланиш муддатини белгилашлари турлича бўлиб, улар транспорт воситасининг хусусиятидан, халқаро ва давлат стандартларига жавоб беришидан келиб чиқиб муддат ўрнатадилар. Автомобил транспортларини меъёр (стандарт)лар ва техник шартларини бузиш транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳисобланади ва унинг натижасида оғир оқибатлар келиб чиқса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси билан, агар оқибат келиб чиқмаса ёки енгил даражадаги тан жароҳатлари етказилса, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддаси иккинчи қисми билан жавобгарлик вужудга келади. Автомобиль транспортларини стандартлар ва техник шартларини бузиш ҳолати эса ушбу соҳада қоидабузарлик ва жиноят содир этилишига олиб келувчи сабаблардан бири ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги 2000 йил 22 декабрдаги 32-сонли қарори / Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006 йиллар. Ж.2. – 54-63-б.

ЙЎЛЛАРДА ҲАРАКАТЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИГА ОИД АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА АТАМАЛАРНИНГ МАЪНОСИ

Автомобиль йўли – транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган, уларнинг белгиланган тезликда, оғирликда, ўлчамларда муттасил ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган муҳандислик иншоотлари мажмуаси, шунингдек ушбу мажмуани жойлаштириш учун ажратилган ер участкалари ва мажмуа устидаги белгиланган доирадаги бўшлиқ.

Автомобиль йўлининг ўқ чизиғи – катнов қисми ёки ажратувчи тасма ўртасидан ўтувчи шартли чизиқ.

Автомобиль йўллари ривожлантириш чизмаси – иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга боғлиқ ҳолда автомобиль йўллари ривожлантиришнинг мақсади ва асосий кўрсаткичларини, уларни лойиҳалаш, қуриш, таъмирлашнинг мақсадга мувофиқлигини асословчи ва техник даражасини ошириш бўйича бошқа тадбирларни ўз ичига олган чизма.

Автомобиль йўлларидан фойдаланувчилар – йўл ҳаракатининг иштирокчилари бўлган ёки ажратилган минтақа ҳамда йўл бўйи минтақаси доираларида белгиланган тартибда рухсат этилган фаолиятни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар.

Ажратилган минтақа – автомобиль йўли, унинг тегишли таркибий элементлари ва муҳандислик иншоотлари, шунингдек автомобиль йўлидан фойдаланиш учун зарур бўлган бинолар, иншоотларни жойлаштириш, ихота ва манзарали дарахтлар ўтқазиб ушбу доимий фойдаланишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган ер участкаси.

Бошқа оғир оқибатлар – йўл-транспорт ҳодисаси натижасида одам ўлиши билан биргаликда яна бир қанча кишиларнинг оғир тан жароҳатлари олишлари, поезд, кема ёки самолётлар ҳаракати тизимининг узоқ муддатга издан чиқиши, ташиладиган юкларга жуда кўп миқдорда зиён етказилиши, атрофдаги уй-жой ва бошқа иншоотларнинг бузилиши (портлаши, ёниб кетиши, вайрон бўлиши) билан боғлиқ жуда кўп миқдорда зиён етказилиши каби ҳолатлар.

Йўл – транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қурилган ёки мослаштирилган ва фойдаланиладиган ер полосаси ёхуд сунъий иншоот юзаси. Йўл автомобиль йўллари, шаҳар электр транспорти йўллари ва йўлкаларни ўз ичига олади.

Йўл ҳаракати – одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи.

Йўл ҳаракати қатнашчиси – йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда сифатида бевосита иштирок этаётган шахс.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати.

Йўл-транспорт ҳодисаси – транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланишига ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш – йўл-транспорт ҳодисалари юзага келиш сабабларининг олдини олишга, бундай ҳодисалар оқибатларининг оғирлигини енгиллатишга қаратилган фаолият.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш – йўлларда ҳаракатни бошқариш бўйича ҳуқуқий, ташкилий-техникавий тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи.

Йўлнинг режаси – йўлда жойлашган барча иншоотлар билан йўлнинг горизонтал текисликдаги акси.

Йўл бўйи минтақаси – ажратилган минтақага туташган, чегараларида аҳоли хавфсизлигини ва транспортнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун ердан фойдаланишнинг алоҳида шартлари белгиланадиган ер участкаси.

Йўлга мутасадди хўжалик – умумий фойдаланишдаги автомобиль йўли тармоғини, унинг меъёрий эксплуатацияси учун зарур бўлган барча иншоотларни, шунингдек мазкур йўлларни тузатиш ва сақлаш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар.

Йўл хизмати – автомобиль йўлларини ва йўл иншоотларини сақлаш ва тузатиш, автомобилларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминлаш, йўлнинг техник тоифасини сақлаш ва ошириш бўйича ишлар юкланган бўлинмалар мажмуаси;

Йўл тармоқларини ривожлантириш – ҳудуддаги иқтисодиёт тармоқларига ва аҳолининг автомобилда ташишга бўлган эҳтиёжига ҳамда халқаро автотранспорт ташувларининг ҳажмига боғлиқ равишда автомобиль йўлларининг келажакдаги ривожланиш режасини амалга ошириш.

Йўл муҳандислик қурилмалари – ҳаракат хавфсизлигини ва

узлуксизлигини таъминлаш, йўловчилар, ҳайдовчилар ва автомобилларга ҳаракат бўйлаб хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган иншоотлар мажмуаси. Уларга автобус бекатлари, тезликни ошириб ўтиш тасмаси, автомобиллар тўхтаб туриши учун майдончалар, дам олиш майдончалари ва автобусларни кутиш учун айвонлар, йўлни қор кўчкларидан, қор босишидан ҳимоялаш учун қурилмалар, алоқа йўллари ва йўлни ёритиш воситалари киради.

Йўл тоифаси – автомобиль йўлининг республика умумий транспорт тармоғи ва халқ хўжалигидаги аҳамиятини, ундаги ҳаракат жадаллигини ифодаловчи мезон.

Йўл ёқаси – йўл пойининг икки томонида жойлашган бўлиб, у қатнов қисмининг ён томонидан йўл пойининг четигача бўлган жой.

Йўл тўшамаси – бир ёки бир нечта қатламлардан иборат бўлиб, бир нечта қатлам тўшамаси қоплама, асос ва асоснинг қўшимча совук ва иссиқдан ҳимояловчи, сув ўтказувчи ва бошқа қатламларидан иборат. Транспорт воситаларидан тушаётган юклагамага қаршилиги ва иқлим таъсирига муносабати бўйича йўл тўшамалари қаттиқ қопламали ва асосли тўшамалар ҳамда қаттиқ бўлмаган қопламали ва асосли тўшамаларга бўлинади.

Магистрал кўча – шаҳарнинг асосий тармоқ йўли. Улар умумшаҳар аҳамиятига эга бўлган (аҳоли яшовчи, саноат туманлари ва жамоат марказлари ўртасидаги алоқа, шаҳар ташқарисидаги автомобиль йўлларига чиқиш) ва туман аҳамиятидаги магистрал кўчалар (туман чегарасидаги ва умумшаҳар аҳамиятига эга бўлган магистрал кўчалар билан транспорт алоқалари)га бўлинади.

Механик транспорт воситаси – двигатель билан ҳаракатга келтириладиган транспорт воситаси (мопеддан ташқари). Ушбу атама барча трактор ва ўзиюрар мосламаларга ҳам тааллуқлидир.

Одамлар ўлими – содир бўлган транспорт ҳодисаси оқибатида икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ҳалок бўлиши. Қонун мазмунидан келиб чиқиб ушбу белги билан квалификация қилиш учун камида иккита одам ўлимига сабаб бўлган ҳолатни тушуниш лозим.

Тан жароҳати олган шахс – йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида тан жароҳати олиб бир кундан ортиқ муддатга стационар тарзда даволаниш учун шифохонага ётқизилган ёхуд биринчи тиббий ёрдам кўрсатилгандан сўнг тиббиёт муассасасига қатнаб амбулатор тарзда даволанаётган шахс.

Транспорт воситалари – одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма автомобиллар, тракторларнинг барча турлари, ўзиюрар машиналар, трамвай, троллейбус-

лар, шунингдек, мотоцикллар ва бошқа механик транспорт воситалари, ички ёнар двигателининг ишчи ҳажми 50 см³ ва ундан ортиқ бўлган транспорт воситалари. Шу билан бирга, йўл қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлар учун мўлжалланган махсус машиналар (экскаваторлар, грейдерлар, автокранлар, скреперлар, автопогрузчиклар).

Транспорт оқими – турли даражада юкланган ҳар хил русумдаги автомобилларнинг ва бошқа транспорт воситаларининг йўл бўйлаб айнан бир вақтдаги ҳаракати.

Транспорт оқимининг зичлиги – транспорт-эксплуатация хусусияти бўйича бир хил йўл участкасининг бирлик узунлигига тўғри келадиган, одатда, 1 км оралиқдаги автомобиллар миқдори.

Транспорт воситасининг эгаси – транспорт воситасига мулк ҳуқуқида ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларда эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Транспорт воситасини бошқарувчи шахс – айнан йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган вақтда транспорт воситасини бошқариб бораётган шахс.

Хавфсизлик минтақаси – умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари учун йўл қурилишига ажратилган ер тасмаси чегарасидан қизил чизикқача бўлган масофа. Кўчалар учун – қатнов қисми четидан қизил чизикқача бўлган масофа.

Ҳалок бўлган шахс – йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ҳодиса жойида ёки унинг натижасида ўттиз сутка ичида ҳалок бўлган шахс.

Ҳалокат – шундай ҳодиса туфайли атроф-муҳитга, инсонларнинг соғлиги ва ҳаёти учун хавfli бўлган жиддий зиён етказилиши, инсонларнинг ҳалок бўлишига сабабчи бўлган темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортларининг, шунингдек, кўпчиликни ташишга мўлжалланган жамоат транспортлари (автобус, троллейбус ва шу сингарилар)нинг авария бўлиши, заҳарли ёки ёнғин хавфини келтириб чиқарадиган юклар (бензин, газ, нефт ва бошқа шунга ўхшашлар)нинг авария натижасида тўкилиши, атрофга хавф туғдириши натижасида аҳолини эвакуация қилиш ва шунга ўхшаш эҳтиёт чораларини кўришнинг мажбурлиги.

Қатнов қисмининг чети – қатнов қисмини йўл бўйидан ажратувчи чизик.

Қизил чизик – умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари учун йўл қурилишига ажратилган ер тасмаси чегарасидан бошлаб белгиланган хавфсизлик минтақаси. Кўчалар учун қатнов қисми четидан бошлаб белгиланган хавфсизлик минтақаси.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрдаги «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги «Ҳаво» кодекси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 апрелдаги «Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этишни такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 62-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 мартдаги «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 118-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 139-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 ноябрдаги «Йўл-транспорт ҳодисаларини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 303-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 303-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 ноябрдаги «Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 314-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 ноябрдаги «Темир йўл вокзалларида (станцияларида) йўловчилар ва

бошқа шахсларни, қўл юкини, багажни кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 314-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 декабрдаги «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишлари таснифига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 352-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 342-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўллари минтақасида хавфсизликни таъминлаш ва ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги 342-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 37-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги 32-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2011 йил 31 майдаги «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» 68-сонли буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2011 йил 6 июлдаги «Ушланган транспорт воситалари ҳисоби шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги 99-сонли буйруғи.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	3
Транспорт воситаларининг ижтимоий мунособатларга таъсири.....	6
Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг аҳамияти.....	9
Маъмурий амалиёт ходимларининг назорат қилиш жараёни ва вазифалари.....	12
Ҳарбий транспорт воситаларини бошқаришдаги ҳодисаларда маъмурий жавобгарлик.....	19
Республикамизда хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришдаги ҳодисаларда маъмурий жавобгарлиги.....	25
Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида иш юритиш истисно қилинадиган ҳолатлар.....	29
Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузишдаги жиноятларнинг олдини олиш.....	35
Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигига оид асосий тушунча ва атамаларнинг маъноси.....	41
Адабиётлар рўйхати.....	46

АЛЛАЯРОВ Нурманбет Ўразимбетович;
АППАКОВ Мусохон Пулатович

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА МАЪМУРИЙ АМАЛИЁТ

Ўқув қўлланма

Муҳаррир С. С. Қосимов
Техник муҳаррир Д.Х.Ҳамидуллаев

Босишга рухсат этилди . 06. 2014. Нашриёт ҳисоб табағи 3,1.
Адади нусха. Буюртма

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.